

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 149 (12.710)

Баҳоси эркин нарҳда

2014 йил 31 июль, ПАЙШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислоҳ Каримов
30 июль куни Оқсаройда
АҚШ Қуролли Кучлари
Марказий қўмондонлиги
қўмондони Ллойд Остинни
қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликка оид долзарб масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим муаммолар муҳокама қилинди.

Л.Остин Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг бугунги ҳолати ва бу муносабатларни ўзаро манфаатли йўналишларда ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликини мустақамлаш тарафдори эканини таъкидлади.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 30 июль куни Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси Сенати
Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисини шу йил 28 август куни Тошкент шаҳрида қабириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир вазифалардан келиб чиқиб, Кенгаш Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ва либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини киритди. Давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни, ишбилармонлик муҳитини яхшилашни, тadbirkorларнинг ҳуқуқларини, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини ишончли муҳофаза қилишни ва бошқаларни назарда тутадиган, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги (янги тахрирда), «Тижорат сири тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар мамлакатнинг бир қатор идоралари раҳбарларининг ҳисоботини тинглаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқиш ва муҳокама қилишни назарда тутмоқдалар.

Олий Мажлиси Сенати қўмиталари ва девонининг ўн бешинчи ялпи мажлисини тайёрлаш ва ўтказиш борасидаги ишини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тuzилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати



МИРОБОД ТУМАНИ:

ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА



Айни кунларда республикамизнинг барча гўшасида
Мустақиллигимизнинг 23 йиллигини муносиб қутиб олишга тайёргарлик
қизғин кетмоқда. Йилдан йилга кўркамлашиб, чирой очётган
Миробод туманида ҳам Истиқлолнинг қутлуғ тўйини барча соҳаларда
муносиб ютуқлар билан қутиб олиш эзгу мақсадга айланган.

1929 йилда ташкил топган Миробод туманининг ҳудуди 17,13 квадрат километр майдондан иборат. Тумандаги 39 та маҳаллада турли миллат вакилларида иборат аҳоли истиқомат қилиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида чирой очиб, гуллаб-яшнаётган туманда 6 та олий ўқув юрти, 7 та касб-ҳунар коллежи, 5 та академик лицей, 16 та умумтаълим мактаблари, битта махсус мактаб, 25 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлиб, ўсиб келаётган авлоднинг замонавий таълим олиш имконияти яратилмоқда.

Аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши, маънавий дунёсини бойитиш, саломатликлари мустақамлаш йўлида 2 та миллий-маданий марказ, 2 та

театр, 3 та музей, битта маданият ва истироҳат боғи, 3 та мусиқа ва санъат мактаби, 2 та маданият саройи, 51 та спорт заллари, 5 та сув ҳавзаси, 2 та стадион хизмат қилмоқда.

Миробод туманида ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий ён барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларининг ижроси бўйича ҳар бир соҳада аниқ, режали ишлар амалга оширилиб, юқори кўрсаткичларга эришилмоқда.

Жорий йилнинг ярим йиллик якунларига эътибор қаратадиган бўлсак, туманда ислохотлар давом эттирилиб,

иқтисодий ённинг барча соҳа ва тармоқларида ривожланиш таъминланганига гувоҳ бўламиз.

Жумладан, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 9,6 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 18,4 фоизга, пудрат қурилиш ишлари ҳажмининг 18 фоизга, жами хизматлар ҳажмининг 16,8 фоизга, пуллик хизмат ҳажмининг 6,5 фоизга ўсишига эришилди.

Туманда олиб борилаётган ҳар бир соҳадаги иш негизда юртимиз равнақи, халқимиз тинчлиги, ёшларимизнинг бахтли келажагига замин яратиш мужассам. Бир сўз билан айтганда, Миробод тумани аҳолиси Мустақиллигимиз байрами шодионаларини кўтаринки кайфият ва муносиб совғалар билан қутиб олиш арафасида.

(Миробод туманига бағишланган материаллар билан газетанинг
2-саҳифасида танишасиз)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Аҳолининг санитария-эпидемиология
масалаларида осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини
такомиллаштириш бўйича тузилган ишчи гуруҳнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Парламент кўйи палатаси Спикери ўринбосарлари У.Вафоев, Б.Алихонов, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ф.Ражабов, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Бош давлат санитария вазири С.Сайдалиев ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза-лаш, халқимиз соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароити яратиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, санитария-эпидемиология муҳитини барқарор сақлашга қаратилган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда бу борадаги ишларни тизимли асосда ташкил этишининг мустақам ҳуқуқий асоси яратилган. 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Давлат санита-

рия назорати тўғрисида»ги қонун ва қатор қонуности ҳужжатлари мазкур ишларни тартибга солишда дастуруламал бўлаётди.

Ўтган даврда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши натижасида санитария-эпидемиология соҳасида фаолиятни самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликлар четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли касалликларга қарши курашиш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Илгари инсон ҳаёти ва саломатлигига салбий таъсир этган бўғма, полиомиелит, қочқол, қизамиқ, қизилча сингари касалликларни бутунлай бартараф этишга эришилди. Четдан ўта хавфли инфекциялар кириб келиши ва тарқалишининг олди олинмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.

• Термиз шаҳрида жорий йилнинг биринчи ярмида Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда йилнинг иккинчи ярмида иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

• Чирчиқ шаҳридаги «Максам-Чирчиқ» очик акциядорлик жамиятида экспортбоп янги турдаги кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тизимни модернизация қилиш, муқобил энергиядан самарали фойдаланиш йўллари оммалаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси тизимидаги «Навоййазот», «Аммофос-Максам», «Фарғонаазот» каби бир қатор корхоналарда меҳнат қилаётган етакчи мутахассисларнинг соҳада амалга оширилаётган ишларга оид тақдиротлари ўтказилди.

• «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари ўртасида ўтказилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи якунланди.

ЖАҲОНДА

• Планшет ва смартфонларда ёзиш нуқулайлик туғдириб, қўллаб хатоликларга олиб келади. Ушбу муаммони ҳал этиш учун «AirType» қурилмаси яратилди. Ушбу «клавиатурасиз клавиатура» кафтга тақиланди ва исталган юза ёки юза бўлмаган жойларда ҳам худди клавиатура каби ишлатилаверади.

• Япония яна халқаро ядро клуби аъзосига айланишга мажбур. Мамлакат жанубида жойлашган «Kyushu Electric Power Co» атом электр станциясидаги юқори хавфсизлик ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу эса Сендайдаги иккита реактор октябр ёки ноябр ойларида ўз ишини бошлашдан далолат беради. Яъни яқин кунларда «Фукусима-1» АЭС авариясидан сўнг тўхтатилган 50 та реактордан 12 таси ишлай бошлаши мумкин.

• АҚШнинг Бостон шаҳридаги скамейкалар смартфон билан «дўстлашмоқда». Худуд аҳолиси богдаги қуёш энергиясидан фойдаланиб смартфонни қувватлай оладиган скамейкалардан фойдаланишни бошлади. Шунингдек, ушбу ўриндиқлар ҳаво тозалиги ҳамда шовқин даражасини ҳам ҳисоблаб боради.



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



МИРОБОД ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Маҳалла

ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АВЖИДА

Меҳр-оқибат қўргони бўлган маҳаллалар инсонларни ҳамжиҳатликка, аҳилликка, дўстлик ва биродарликка, аҳил қўни-қўшничилик сингари эзгуликлар сари чорлайди.

Миробод туманида жойлашган маҳаллаларда Мустақиллигимизнинг 23 йиллигини муносиб қўтиб олиш мақсадида ободонлаштириш ва орасталаш ишлари авжида.

Чунончи, тумандаги «Файзиобод» маҳалла фуқаролар йиғини бошқа маҳаллалар қатори Энг улуг, энг азиз байрамни ўзига хос ютуқлар билан қўтиб олмакда. «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» Республика кўрик-танловининг туман босқичида мазкур маҳалла фуқаролар йиғини 1-ўринни эгаллади. Бундан ташқари маҳалла аҳолиси, айниқса ёшларнинг спорт билан ҳамнафас бўлишлари катта эътибор қаратиб келинади. Қаратиётган эътибор ўз навбатида самарасини, ижобий

натijasини бермоқда. Туман, шаҳар ва республика миқёсидаги турли хил спорт мусобақаларида ёш футболчилар қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаётгани қувонарлидир. Жорий йилда туманда ўтказилган «Футболимиз келажиги» спорт мусобақасида маҳалланинг 9-10 ёшли футболчилари 1-ўринни, 11-12 ёшлилар ўртасида 3-ўрин, 13-14 ёшлилар ўртасида эса 1-ўринни эгаллаган. Қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш бўйича ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Маҳалланинг қизлари ўртасида кураш мусобақалари ташкил этиб келинмоқда.

— 1984 йилдан ҳозирги кунга қадар «Файзиобод» маҳалла фуқаролари йиғини раиси бўлиб, фаоллар билан

биргаликда аҳолининг оғирини енгил қилиб келмоқдамиз, — дейди «Файзиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўхтапўлат Содиков. — Аҳолимизга мустақиллик байрамига тухфа сифатида 650 ўринли «Хосиятхон» тўйхонаси қурилмоқда. Бундан ташқари автомобиль ювиш шохбонаси, мини-маркет ва кафе очилди. Жорий йилнинг март ойидан маҳаллада меҳмонхона ишга тушди, бу ўз навбатида маҳалладошларни иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Истиқлолимизнинг 23 йиллиги шодиёналари арафасида маҳалламизда истиқомат қиладиган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий-маънавий томондан ёрдам бериш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда маҳалла ҳудудида 214-сонли мактабгача таълим муассасаси, 2 та нўввойхона, 2 та кафе, 2 та автомобиль ювиш, 1 та пойабзал таъмирлаш шохбоналари, битта ош маркази аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Маҳалла ҳудудида 27 та корхона ва ташкилотлар фаолият юритади. Ўтган йили қурилган 3 та футбол майдончасида маҳалла ёшлари спорт билан шугулланиб, кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқда.

Юртимиз мустақиллигининг 23 йиллик тўйини муносиб қўтиб олиш мақсадида бугунги кунда маҳаллада ободонлаштириш ишлари катта эътибор қаратилмоқда.

Тиббиёт

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва комил инсон сифатида воғга етказиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш устувор йўналишлар сирасига киради.

Миробод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-сон оилавий поликлиникаси 47199 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Шулардан 18 ёшгача болалар сони — 16589 нафар, туғиш ёшидаги аёллар сони — 12123 нафар ҳамда катталар 32006 нафарни ташкил этади. Мазкур поликлиникада зарур қўлайликлар яратилган. Ўттиз нафар умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамширалар аҳоли саломатлигини муҳофазалаш бўйича иш олиб бормоқда.

Оилавий поликлиникага 15 та маҳалла бириктирилган. Ўз касбининг мутахассислари Авлоний, Ойбек, «Мингўрик», «Наврўз», Ат-Термизий ва бошқа маҳаллалар аҳолисининг соғлигини муҳофазалашга катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, ҳар ойнинг биринчи иш кунинда аҳолига профилактик ёрдам кўрсатишда ва хонадонлардаги муаммоларни ҳал этишда тиббиёт ходимлари, маҳалла

фаоллари ва бошқа мутасадди ташкилот вакиллари билан биргаликда йиғилишлар ўтказилади. — Оилавий поликлиникада она ва бола саломатлигини муҳофазалаш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлашга оид изчил чора-тадбирлар белгиланиб, бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди 1-сонли оилавий поликлиника бош шифокори Наргиза Холмухамедова. — Масканимизда туғруқ ўқазилиб, уларда бирламчи касалликларни аниқлаш ва соғломлаштириш ишлари юқори савияда ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси ССВнинг ўтган йилнинг 17 мартдаги 161-сонли ҳамда 2013 йил 13 ноябрдаги 380-сонли буйруқлари асосида йил бошидан буён 37634 нафар аҳоли тиббий қўриқдан ўтказилди. Уюш-

тирилган тиббий қўрик натижасида 11320 нафар аҳолини амбулатор ва стационар шaroитда соғломлаштириш ишлари олиб борилди.

Мазкур поликлиника ходимлари УТТ, рентген, электрокардиограмма аппаратлари ҳамда барча лаборатор таҳлил, ўқалаш, даволаш жисмоний тарбияси ва физиотерапия муолажалари орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаб келмоқда.

Тиббиёт масканида 2014-2015 йил кузги-кишкы мавсумга тайёргарлик ишлари тизимли ташкил этилди. Поликлиниканинг биринчи қава-тида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кириш қисмида рўйхатга олиш, меҳнатга лаёқатсизлик варақасини бериш ва саралаш хоналари ташкил этилди, замонавий анжомлар билан жиҳозланди. Оилавий поликлиниканинг фасад қисми, рентген ҳамда физиотерапия хоналари жорий таъмирдан чиқарилди. Тиббиёт масканининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида умумамалиёт шифокорларига янги меҳбеллар берилди. Поликлиника ҳудуди ва уни ён-атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Баркамол авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини янада юксалтиришга эътибор қилиб қилинади ва маданий мактабларнинг замонавий қўрнини касб таътилати баргани муқотиради.

Санъат

БИЛИМЛАРИ ЯНАДА БОЙИТИЛМОҚДА

Ўтган йили Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига муно-сиб тухфа сифатида қайта таъмирланиб, ўз фаолиятини янги бинода олиб бораётган тумандаги 12-сонли болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчиларининг санъат ва мусика соҳасидаги билимларини янада бойитишга хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги кунда барча шарт-шароитга эга таълим маска-нида ўқувчиларга фортепиано, скрипка, халқ чолғу асбо-блари, хореография, эстрада хонандлиги, тасвирий санъат ва бошқа жами саккизта йўналиш бўйича сабоқ берилмоқ-да. Асосий эътибор ўқувчиларнинг дарсларни мукамал эгаллашларига қаратилади. Ҳозирда 265 нафар ўқувчи му-сика ва санъат сирларини ўрганмоқда. Уларга 31 нафар ма-лакали ўқитувчилар таълим бериб келмоқда.

— Болаларнинг санъат соҳасидаги билимларини янада чуқур ўзлаштиришлари учун назарий билимлари амалий жи-хатдан мустаҳкамлаб келинади, — дейди мактабнинг тас-вирий санъат ўқитувчиси Гулдерраим Тлеғенина. — Мактаб ҳудудидаги ўзига хос ишланган ҳайкалтарошлик намуналари ўқувчилар ва устозлар билан биргаликда тайёрланган. Бун-дай жараёнда болаларнинг маҳоратлари, билимлари, қизи-

қишлари оширилади. Сентябрь ойида ўқув масканида янги актёрлик маҳорати, амалий санъат, эстрада бўлимларини очиб режалаштирилган. Бу эса ўз навбатида келгусида ўқувчи ва ўқитувчилар сонининг кўпайишига хизмат қилади.

Мусика ва санъат мактаби ўқувчилари турли хил танлов-ларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Қори Ёкубов номидаги Республика кўрик-танловида гитара, ўзбек халқ чолғулари ва эстрада вокаль бўйича ютуқларни қўлга киритишларини мисол қилиш мумкин. Ўқувчиларнинг ту-ман ва шаҳарда ўтказилган рассомчилик кўргазмаларида қатнашиб, ўз истеъдодларини намойён этишга ташри-баларини оширишга хизмат қилмоқда. Бундай замонавий масканда таълим олган ўқувчилар санъатнинг юқори қўқ-ларини забт этиб, юртимиз шарафини янада ёйишга ёрдам беришади.

Яратилган шарт-шароит ва имкониятлар ўқувчилар ора-сидан нодир истеъдод эгалари етишиб чиқишида муҳим ўрин тутаяди.

Саҳифа материалларини Зиёда РАСУЛОВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доира-сида бу борадаги ишлар кўлами янада кен-гаймоқда. Жорий йилда мамлакатимизнинг миллий эмлаш тақвимида ўткир юқумли ичак касаллигига қарши янги ротавирус вакцинаси жорий этилди.

Президентимиз томонидан илгари сурил-ган Мамлакатимизда демократик ислохотлар-ни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ва «Соғлом бола йили» Давлат дастурида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ислохотларни янада ривожлантириш билан боғлиқ қатор устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, «Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тадбирда мамлакатимизда санитария-эпиде-миология назорати соҳасидаги миллий қонун-чилигимизда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилаётган эътибор самара-лари, янги қонуннинг мазмун-моҳиятига оид маърузалар тингланди. Қонун лойиҳасини та-комиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳа-залар билдирилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлигида жорий
йилнинг биринчи ярмида
бажарилган ишлар якунларига
бағишланган матбуот анжумани
бўлиб ўтди.**

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда бозор муносабатлари ва автотранспорт хиз-матлари бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бўйича барча шароитлар яратилгани, йўловчи ва юк ташиш тизимини ривожлантириш изчил давом эттирилаётгани таъкидланди.

Автотранспорт хизматлари бозорида ра-қобат муҳитини шакллантириш ва барча та-шувчиларга тенг шароит яратиш мақсадида вилоят ва туман ҳокимликлари ҳамда агент-лик ҳузуридаги идоралараро комиссия то-монидан йўловчи ташиш йўналишлари очиқ тендер савдоларини ўтказиш орқали тақсим-ланмоқда. Чунончи, жорий йилнинг биринчи ярмида ўтказилган 57 очик тендер давоми-да 530 йўловчи ташиш йўналишлари тақсим-ланди.

Транспорт корхоналари автопаркинни янги-лашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган олти ойи мобай-нида Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилган «Исузу» русумли 133 автобус ли-зинг асосида харид қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вази-рлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқар-маси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамкорлигида транспортда ташиш соҳасида ноқонуний фао-лият юритаётган субъектларни аниқлаш бўйича рейдлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ҳисо-бот даврида ҳамкорликда қарийб 2200 рейд ўтказилди. Тўпланган барча материаллар чора қўриш учун тегишли органларга тақдим этилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури дои-расида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тасдиқланган режа асосида кам таъминланган, кўп болали оилалар, меҳнат фахрийлари моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Ёзги таътил пайти-да соҳа ходимлари фарзандларининг ма-роқли дам олиши учун зарур шароит яра-тилмоқда. Бундан ташқари, касб-хунар кол-лежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётди. Ишлаб чиқариш ама-лиётини ўташ учун 29 касб-хунар коллежи-нинг 9102 нафар битирувчиси билан уч то-монлама шартномалар имзоланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, мутахассисларининг малакасини ошириш, уларга маслаҳат ёрдами кўрсатиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қай-тарилди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Таълим

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

Тошкент политехника касб-хунар коллежи биносининг капитал таъмирланиб, мустақиллик байрамига ўқув-чилар учун тухфа қилиниши кўзда тутилган. Жорий йил коллеж биносини 875 млн. сўмлик капитал таъмир-лаш ишлари «MAJESTIC ENGINEER» масъулияти чек-ланган жамияти томонидан бажарилди. Қувонарлиси, ўқувчилар таълим оладиган хоналар халқаро андозларга мос равишда таъмирлан-ди. Инглиз тили фанини ўқитиш учун янги лингвафон хоналари тўлиқ жиҳозлан-моқда.

— 2013-2014 йилда кол-лежни 473 нафар битирувчи тугаллаб, уларнинг ўз касб-лари бўйича бандлиги таъ-минланмоқда, — дейди маз-кур коллеж директори Нар-гиза Пулатова. — Тўрт нафар битирувчи қизимиз яқка тар-тибдаги тадбиркорлик фао-лияти билан шугулланмоқда. Улар иқтисодиётимизнинг янада ривожланишига ўз ҳис-саларини қўшишмоқда. Ўқу-вчиларнинг умумий сони 1293 нафар бўлиб, уларга 71 на-фар ўқитувчи таълим-тарбия бериб келмоқда. Коллежда ўқувчиларнинг маънавий дунёқарабини ўстириш ма-қсадида турли-туман маънавий тадбирлар ташкил этилади. «Ўзбек қизларининг кийиниш маданияти», «Биз буюк юрт фарзандларимиз», «Навоий-хонлиқ» ҳафталари шулар жумласидандир. Ўқувчилар-нинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида 23 та

умумтаълим, 6 та касбий фан-лар, 5 та спорт бўйича тўга-раклар фаолият олиб бора-ди. Мазкур тўғарақларда 450 дан зиёд ўқувчилар қатнашиб келмоқда.

Ўқувчилар «Кенг ассорти-ментдаги кийимларни лойи-ҳалаш ва моделлаштириш», «Ошпазлик», «Реклама бўй-ича мутахассис», «Бухгалтерия ҳисоби», «Молия», «Электр қурилмаларини таъмирлаш ва техник-электрик» йўналиш-лари бўйича ўз билимлари-ни бойитиб, соҳалари бўй-ича етуқ кадр бўлиб етишиш-моқда.

Шу ўринда ўқувчиларнинг қўлга киритган ютуқлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз. Туманда ўтказилган «Ка-молот» кубогинида коллеж жа-моаси 1-ўринни эгаллади. «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақасида 4 нафар ўқувчи иштирок этиб, фахр-ли ўринларни қўлга киритган-ди қувонарлидир. Енгил ат-летика бўйича Анна Тян ку-муш медал, сузиш бўйича Ирина Кукунова битта олтин, 2 та кумуш медал билан, стол теннис бўйича Анна Потапова кумуш медал бил-лан тақдирланди, волейбол бўйича жамоавий баҳсда 1-ўрин қўлга киритилди.

Ёшларимизни илмли, ҳунарли, соғлом тарзда тар-биялаш билан бирга қатъий сўзига, фикрига эга қилиб вояга етказишни мақсад қил-ган таълим масканининг кел-гусида бундан-да кўплаб ютуқларни қўлга киритишига тилакдошимиз.

Танловлар

ҚЎШИҚЛАРДА
БАТАН МАДҲИ

Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг вазирлик тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ўтказиладиган ушбу кўрик-танлов байрам олди тадбирлари орасида ўзининг тантанаворлиги, тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Аънавий тарзда давом этиб келаётган танловнинг оқилолтиги оқибатлари орасида ҳам ўтказилиши унинг кадр-қиммати, аҳамияти, мазмун-моҳияти ва салоҳиятини янада оширади.

Ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходимларнинг Ватанга, касбга садоқат руҳидаги қўшиқ, мусикий ва шеърлар асарлар яратилишида фаол иштирокини таъминлаш, улар орасидан истеъдод соҳибларини аниқлаш мақсадида ўтказиб келинётган тадбирнинг бу йилги сари ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилди. Унда ҳудудларда қўлиб деб топилган ўттиз нафар иштирокчи она Ватан мадҳини юксак пардаларда тараннум этиди.

Қўшиқларнинг яратилиши, матн мазмуни, мусикаси ва ижро маҳоратига қараб ҳакамлар ҳайъати қўлибларни аниқлади. Қўшиқда Ватанимизнинг шонли тарихи, Ўзбекистон урф-одатлар, буюк аجدларимизнинг унутилмас номлари ҳамда муқтадирлик йилларида эришилган ютуқларни мадҳ этган ижрочилар юқори ўринларга эга бўлишди.

Танлов якунига кўра биринчи ўринга «Ватаним севинг» қўшиғи билан Ички ишлар вазирлиги маданият саройи ашула ва рақс ансамбли хонандлари лойиқ топилди.

Иккинчи ўринни Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ молия-иқтисод бўлими бош инспектори Н.Жемуратов, Ёнги хавфсизлиги бошқармаси Ёнги учирувчиси С.Қалибеков, Нукус шаҳар ИИБ Қўриқлаш бўлими бўлими командири А.Алланязовлар ҳамда Фарғона вилояти ИИБ Ёнги хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси Т. Азизов қўлга қавсиди.

Учинчи ўрин Ички ишлар вазирлиги Алоҳида намунали-кўргазмалар оркестри солисти С.Абдуллаев, ИИБ Қоровул қўшинлари ашула ва рақс ансамбли ҳамда Андижон вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси инспектори М.Матсаевларга насиб этди.

Қўлибларга диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Тадбир сўнгида танлов иштирокчиларининг гала-концерт дастури намойиш этилди.

Бугун қалбимдаги хурсандчилик ва ҳаяжоннинг чеки йўқ, — дейди вазирлик маданият саройи ашула ва рақс ансамбли хонандаси Зокирхон Тўйчиев. — Бу танловда қўлиб бўлиш ҳар бир иштирокчи учун шарафдир. Ўзбекистонимиз кўн сайин ривожланиб, юксалиб бормоқда. Унинг шонли тарихи ва бугунги ютуқларини тараннум этиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ўзгал Ўзбекистонимиз учун қанча қўшиқ, шеър, дoston битсак ҳам камлик қилади. Шундай тинч ва оқилолтига дийрда яшаётганимизга шукроналар айтишимиз керак.

Абдуалим САЛИМОВ

Республикада юксак маънавиятли, муқтақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан Давлат дастурининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги Қарори билан Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурининг тасдиқланиши бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг мантикий давоми бўлиди.

Муқтақиллик йилларида юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Истиклолнинг дастлабки даврида, яъни 1991 йилнинг 20 ноябрида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борида тўла-тўқис рўйбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир.

2010 йил 29 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши билан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тушуначиси, бу борадаги фаолиятнинг асосий вазифалари, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизими аниқ белгилаб берилди.

Мазкур қонунга мувофиқ, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси дегадана вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартафоз этишга қаратилган, яъни тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими тушуналиди.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида доир фаолиятнинг асосий вазифаларига вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартафоз этиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, вояга етмаганларда қонунга итоткорлик ҳуқ-атворини шакллантириш, ижтимоий жиҳатдан ҳавфи аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалари ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатларини содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш қиради.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар органлари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, вазирлик ва ҳомилий органлари, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари кириши белгилаб берилди.

Шунингдек, юқорида кўрсатилган органлар ҳамда муассасаларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиши мумкинлиги ҳам қайд этиб ўтилган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Халқ таълими вазирлиги ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларидаги «Зумрадойлар давраси» тўғараги фаолиятини самарали тарзда йўлга қўйишга оид республика семинари ташкил этилди.



Аввал Ҳудоба (Ўз) илган бўлат

2014 йил — Соғлом бола йили

ОДОБ ВА МЕҲНАТСЕВАРЛИКНИНГ ИЛК
САБОҚЛАРИ

Тошкент шаҳар ҳоқими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом, юқори интеллектуал салоҳиятли инсонлар этиб вояга етказиш, уларга пухта билим бериш, миллий аънава ва қадриятларимизга содиқлик руҳида камол топтириш масаласи таълим соҳасидаги ислохотлар жараёнида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда юртимиздаги 4950 мактабгача таълим даргоҳига 581 мингдан ортиқ кичкинтой қатнайди. Бошланғич таълим бўйича тарбиявий-маърифий ишлар тизими давлат талаблари асосида амалга оширилмоқда. Ушбу талаблар бўйича ишлаб чиқилган «Болаҳон» мактабгача таълим таянч дастури амалиётга изчил татбиқ этилмоқда. Унда болаларнинг маънавий ва жисмоний камол топиши, ижтимоий-эмоционал ривожланиши, гигиена, ўқиш ва ёзишни ўрганиш ҳамда атроф-оламни тушунишга оид билимлар ўрин олган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида мактабгача таълим масканларининг моддий-техник базасини муқтаҳамлаш, уларни зарур услубий воситалар билан таъминлаш, тарбиячи ва мураббийларнинг билим ва салоҳиятини юксалтириш, ушбу муассасаларга болаларнинг қамровини кенгайтириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу дастурда 3-6 ёшли қиз болалар маънавий-ахлоқий тарбиясини эрта бошлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида мактабгача таълим муассасаларида «Зумрадойлар давраси» тўғарақларини ташкил этиш белгиланган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан мактабгача таълим масканларида шундай тўғарақлар иши йўлга қўйилган. Халқ таълими вазирлигининг Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази муқтаҳассилари томонидан мураббийлар ва ота-оналар учун «Зумрадойлар давраси» номли ўқув-услубий қўлланма тайёрланди. Унда қизларда одоб-ахлоққа

оид дастлабки қўниқмалар, меҳнат-севарлик, ростгўйлик, камтарлик, ҳушмуомалалик, шахсий гигиенага риоя этиш каби ҳислатларни шакллантириш юзасидан зарур тавсиялар кенг ўрин олган.

Муассасамиздаги 214 кичкинтойнинг ярмини қизлар ташкил этади, — дейди 262-мактабгача таълим муассасаси услубчиси Дилфуза Насруллаева. — «Зумрадойлар давраси» тўғараги фаолиятининг йўлга қўйилгани қизларнинг онгу шуурида озодалик, ўз саломатлиги учун масъулиятни ҳис этиш, катталарга ҳурмат каби тушунарларни муқтаҳкам қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув машғулотига ушбу тўғарақ фаолиятини самарали олиб бориш, ўтказилмадиган машғулотларнинг йўналиши ва мазмуни, бу борадаги ижобий иш тажрибаси ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Васийлик ва ҳомилий органларининг асосий вазифаларига эса васийлик ёки ҳомилий белгиланишига муқтаж бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳисобга олиш, васийлик ёки ҳомилий белгиланишига муқтаж бўлган шахсларнинг зарур ҳужжатларини тайёрлаш ва уларни жойлаштириш, васийликдаги ёки ҳомилийдаги ҳамда васийлик ёки ҳомилий белгиланишига муқтаж бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, васийлар ва ҳомилийларнинг мажбуриятлари бажарилишини, васийликдаги ёки ҳомилийдаги шахсларнинг таъминоти, уларга тарбия ва таълим бериш шароитларини, шунингдек, мол-мулк бут сақланишини таъминлаш устидан назорат қилиш қиради.

Айтиш керакки, фарзандликка олиш — оила қонунчилигининг муҳим ҳуқуқий институтларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда фарзандликка олиш билан боғлиқ масалалар Оила кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш тўғрисида»ги Низом асосида тартибга солиб келинган эди. Ушбу норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талабига қўра, фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахслар аризаси ва васийлик ҳамда ҳомилий органлари тавсиясига қўра, туман, шаҳар ҳоқими қарори билан амалга оширилган эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 20 мартда қабул қилинган ҳамда Сенат томонидан 2013 йил 28 мартда маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ Фуқаролик процессуал кодекси «Фарзандликка олиш» деб номланган

янгги 31-1-боб билан тўлдирилди. Фарзандликка олиш институти ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланишини назарда тутган ҳолда ушбу масалани ҳал қилиш ваколатининг судларга берилиши оила институти-ни янада муқтаҳамлаш, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялашда оиланинг аҳамиятини кучайтириш ҳамда оилавий муносабатларда қонунийликни таъминлашда суд ҳоқимиятининг нуфузини оширишга хизмат қилади.

Туман прокуратураси томонидан «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Мисол учун, 2014 йил апрель ойда ўтказилган тўнги тадбирда Мирзо Улугбек туманида жойлашган «Cotton club» номли тўнги клубда соат 22.30 ларда 3 нафар вояга етмаганларнинг ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қузатувсиз эканлиги аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиши натижасида жиноят ишлари бўйича Мирзо Улугбек тумани судининг қарорига қўра клуб раҳбарига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1882-моддаси билан энг ҳам оийлик ўш ҳақининг 10 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланган, шунингдек, туман ҳоқимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг қарорига қўра 3 нафар вояга етмаганларнинг ота-оналаридан бири Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Абдуқаҳор ТЎХТАБОВ,
Мирзо Улугбек тумани прокурориОИЛА — БАХТ
ҚЎРҒОНИ

Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини асраш, яхшилаш, турли касалликлардан ҳимоялаш борасида турли мавзудаги давра суҳбатлари, учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Энг асосийси, келажақ авлодининг камол ва ҳар томонлама соғлом инсонлар бўлиб камолга етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб, бу масалага катта эътибор қаратилмоқда. Халқимиз ҳамиша соғлом турмуш тарзи тарафдори бўлиб келган. Шунинг учун ҳам аҳоли орасида тиббий маданиятни ошириш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Эрта турмуш қуриш ва қариндошлар орасидаги никоҳнинг олдини олиш ҳам бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Фарзандларимизнинг оила қуришга бўлган ҳаракатида бўлғуси турмуш ўртоғининг етти авлодини суриштириш азалий урф-одатларимиздан саналади.

Ўз фарзандининг бахту қамолини қўриш ҳар бир ота-онанинг азалий орузи. Аммо баъзи ҳолларда ота-оналарнинг ўзи ҳам бу масъулиятли вазифага панжа орасидан қараб, боласининг келажақдаги бахтини эмас, қандайдир моддий бойлик учун қўрқўна иш юрилтадилар. Агар шундай бўлмаганда, қалби кендик болалар қардан келар эди?

Фикримиз далили сифатида пойтахтимизда жойлашган 1-Муруват уйида тарбияланаётган бола-ларнинг қўзларига яшагга бўлган муҳаббатини, сўзларида эса ота-она меҳрига ташналикни кузатишингиз мумкин.

Ҳозирги кунга келиб мазкур Меҳрибонлик уйида 300 дан зиёд ногирон бола тарбияланади. Бу ана шунча оиланинг турмушга бўлган лоқайдлиги демак. Улар ҳам ўз тенгдошлари каби югуришни, илм даргоҳларида ўқишни, қўвонқ қуй-қўшқларга рақс тушишни хоҳламайди, дейсизми? Лекин қимларнинг хатоси туфайли улар бу бахдан бебахра. Уларнинг ичиде истеъдодли фарзандларни ҳам учратасиз. Армонларини қўшиқча солиб қуйлаган тарбияланувчи, гарчи жисмоний нуқсон бўлсада, ҳамма кичкин-тойлар сингари бир олам оруз-ҳавас билан яшайди. Ким билсин, яхшигина устоз қўлида тарбия топса, машҳур хонанда бўлади.

Фарзанд — ҳаёт мазмуни, умр бегази. У эртанги кунимизнинг ишончли таяничи. Шундай экан, соғлом болани дунёга келтириш, фарзандларимизни ақлан етук, руҳан тетик, жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш олдимида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Зеро, биз ўз саломатлигимиз билан туғилажак фарзандларимиз олдида ҳам масъулимиз.

Муҳаммаджон БОЗОРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖдаги ижарага берилмадиган бўш жойлар тўғрисида 31.07.2014 йил ҳолатига маълумот

Умумий овқатланиш

17-18 ошхона	худудда	147,5 кв.м
3-корпус, 2-қават	худудда	30 кв.м
3-корпус, 2-қават	худудда	152 кв.м
19-20 ошхона	худудда	154,9 кв.м

Бошқа турдаги

3-корпус, 2-қават	худудда	216 кв.м
4-корпус, 1-қават		18 кв.м
4-корпус, 2-қават		37,3 кв.м
4-корпус, 2-қават		13,1 кв.м
4-корпус, 2-қават		108 кв.м
8 та хона ҳар бири 18кв.м		
енгил типдаги павильон/пайнет, атторлик	худуд ичида	7,5 кв.м
буюмлари учун савдо хизмати		
90-сонли бокс	худудда	57,3 кв.м
43-контейнер		15 кв.м

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Автомобиль ҳалқа йўли.

Тел: 295-98-04, 295-96-52.

Тошкент Тиббиёт академиясининг ректорати ва касба уюшмаси патология кафедрасининг профессори Бахтиёр Ўктамович Ирискуловнинг волидаи муҳтарамаси

Шахрихон Алимоновна ИРИСКУЛОВАнинг вафот этганини муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Мамлакатимизда келажакимиз давомчилари бўлган ёшларнинг билимли, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада бошқа соҳалар қатори таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига давлатимиз раҳбари раҳнамолигида асосий эътибор қаратилмоқда.

Шаҳримиздаги «Болажон» маданият ва истироҳат боғида «Ёзни биз билан!» шiori остида болалар фестивали ўтказилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирни ўтказишдан асосий мақсад жорий йилда ёз мавсумида болаларни дам олидириш ва соғломлаштириш мавсумини кўнгилдагидек ташкил этиш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ўсиб келаётган авлоднинг ижодий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, замонавий ҳаёт, таълим жараёнига қизиқтиришдан иборат.

Боққа кираверишданок болажонларнинг хуш кайфиятда эканлигини, ўзига хос тарзда ташкил этилган тадбир уларга ёзги таътилдаги муносиб совға эканлигини сезиш қўйин эмасди. Эртақ ва мультфильм қаҳрамонларини кўрган болажонларнинг қувончига қувонч қўшилди. Фестивалга турли соҳаларда юқори натижаларга эришган, халқаро ва республика танловлари ҳамда мусобақаларда ғолиб бўлган иқтидорли ёшлар, шунингдек, шаҳримиздаги умумтаълим мактаблари қоидадаги кундузги оромгоҳларда дам олаётган 500 нафар болалар жалб этилди.

— Энг улуг, энг азиз байрамга тайёргарлик кўриладиган пайтда бу каби тадбирларни байрамнинг узвий бир қисми деб ҳисоблайман, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Бобур Бобомурод. — Мазкур учрашувдан завқландим, бундай тадбирлар ижодкорга янада

илҳом бахш этади. Бу ёшлар бизнинг келажакимиз. Уларнинг бераётган саволларини, қизиқишларини кўриб ҳайратга тушмай илож йўқ. Бу каби учрашувлар ёшларни жипслаштиради, юртимизда бўлаётган ўзгаришлардан хабардор этади. Уларга яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш лозимлиги, юртининг эртаси учун қайғуриш ҳиссини уйғотади, ёшлари-

дан бери шуғулланиб келаман. «Китоб бизнинг дўстимиз!» бекати ҳам менга манзур бўлди. Мазкур бекат биз, ёшларни янада кўпроқ китоб ўқишга ундаши шубҳасиз.

— Ёшим ўн бирда, Шайхонтохур туманидаги 262-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳга қатнапман, — дейди 320-умумтаълим мактаб ўқувчиси Шохина Махмудова. — «Ёзни биз билан!» деб номланган фестивалда ташкил этилган бекатлар менга жуда ёқди. Ёш рассомлар ва иқтидорли ўқувчилар томонидан уюштирилган маҳорат дарслари қизиқиш уйғотди. Кўп нарсаларни ўргандим.

«Обод юртининг — соғлом болалари» шiori остида ташкил этилган концерт дастури барча иштирокчиларга манзур бўлди. Унда «Марварид» болалар студияси томонидан турли замонавий ва миллий куй-қўшиқ ва рақслар ижро этилди. «Камолот, спорт, саломатлик» спорт мажмуасининг жажжи қатнашчилари у-шу — пенчак силат бўйича ва бошқа спорт мактаби аъзолари томонидан бадий

гимнастика, таэквондо, ўзбек жанг санъатининг ўзига хос кўргазмалари чиқилари намойиш этилди. — Фестивалда мен мароқли дам олдим, — дейди Олмазор туманидаги 29-сонли умумтаълим мактаби ўқувчиси Саидаъло Турсунов. — Ёзда ўтказиладиган бу каби қизиқарли тадбирлар янги ўқув йили учун куч-шижоат йиғишимизга, аъло баҳоларда таълим олишимизга кўмак беради.

«Китоб бизнинг дўстимиз!» шiori остида «Янги аср авлоди» ҳамда Гафур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйларидаги китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Бекатларда фаол иштирок этганларга ташаккурномалар ва китоблар тақдим этилди.

Албатта, ёшлар маънавиятини ошириш, уларни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида вояга етказишда бу каби тадбирларнинг ўрни беқиёс.

Зарина РУСТАМОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

Мустақиллик халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечиришга имкон берди. Истиқлол барча юртдошларимиз учун ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намойён этиш, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун беқиёс имкониятлар яратгани билан ҳам қадрлидир.

Тадбирлар

САХОВАТ РИШТАЛАРИ

Тошкент шаҳар болалар руҳий асаб касалликлари марказий шифохонасида ўтказилган маънавий-маърифий хайрия тадбирида ҳам айнан шу ҳақда сўз борди.

Ушбу тадбир Миробод туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Маънавият тарғибот маркази туман бўлимидаги ҳамкорлигида ташкиллаштирилди.

— Истиқлолимизни бир чаман десақ унинг соҳиби бўлиш халқимизни мана шу гўзал даргоҳнинг булбули, орзулари бир олам, ўз келажигини ўз қўли билан яратётган моҳир бунёдкорга менгашимиз мумкин, — дейди Маънавият тарғибот маркази Миробод туман бўлими раҳбари Нигора Шокирходжаева. — Ёғдулашиб эзгулик нурини сочаётган турфа ранглар орасида Истиқлол иншоотлари узоқ-узоқлардан ҳам янада жозибали ва мухташам кўринмоқда. Мустақиллик неъматлари унинг ҳар бир қадамида сезилаётди. Шундай улуг кўнларда кўмак муҳтож оилалар, хаста беморлар ҳолидан хабар олиш, хайрли ишларни олиб бориш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Тадбир доирасидаги бемор болажонларга байрам дастурхони ташкил қилинди. Ёл севган хонандаларнинг дилрабо куй ва қўшиқлари тадбирнинг мазмунли ўтишини таъминлаб берди.

Мустақиллик байрами тадбирлари эзгулик ва саховат ришталарини бирлаштирган ҳолда, ўзига хос тарзда нишонланмоқда. Бу байрам қадри баланд, ёши улуг отахон ва онахонларнинг дуолари остида келажак порлоқ ёшларнинг фахр ва ифтихорга тўла самимият балқиб турган кўзларидан акс этгандек из қолдиради барчанинг кўнглида.

Ҳа, фақат обод ва озод юрtdа байрамлар шундай нишонланади.
Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Спорт янгиликлари

ТЕРМА ЖАМОА ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ ЙИҒИНИ ЎТКАЗДИ

Жорий йилнинг 19 сентябрь — 4 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчئون шаҳрида XVII Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Нуфузли спорт анжуманининг футбол мусобақаларида 23 ёшгача бўлган футболчилардан иборат Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари иштирок этади.

Осиё ўйинларига тайёргарлик кўраётган жамоа аъзолари пойтахтимизда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинида қатнашди. Унга жалб этилган футболчилар йиғин доирасида олий лиганинг қатор жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказди.

Дастлаб Наманганнинг «Навбахор» жамоасига қарши майдонга тушган терма жамоа 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи ўйинда «Металлург»ни (Бекобод) 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган терма жамоамиз Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасига қарши кечган навбатдаги баҳсда рақиблар дарвозасига жавобсиз олтига тўп киритиб, йирик ҳисобда ғалабага эришди.

Ёш футболчилар сўнгги ўртоқлик учрашувини «Олмалик» жамоасига қарши ўтказиб, 2:1 ҳисобида зафар қучди.

ПОЛВОНЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Ўзбекистонлик эркин ва юнорум кураши усталари Озарбойжон ва Қозғистонда ўтказилган халқаро турнирларда совриндорлар қаторидан жой олди.

Боку шаҳрида ўтган Гран-при туркумидаги халқаро турнирнинг вазни 74 килограммгача бўлган эркин кураш усталари ўртасидаги беллашувларида қатнашган ҳамюртимиз Рашид Курбонов кумуш медални кўлга киритди. Юнорум кураши бўйича вазни 85 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида Рустам Аскалов учинчи ўринни эгаллади.

Қозғистонда ташкил этилган халқаро турнирда эркин кураш бўйича баҳсларда гиламга чиққан Дилшод Мансуров кумуш, Ихтиёр Наврўзов эса бронза медал билан тақдирланди.

ЖЎРАБЕК — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Бишкек шаҳрида теннис бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Жўрабек Каримов ғалаба қозонди.

Мусобақанинг яққалик баҳсларида теннисчимиз туркиялик Сирри Жан Коркмазни 6:0, 5:7, 6:1, россиялик Акшин Мехтиевни 6:0, 6:3 ва Никита Валенцевни 6:0, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ярим финалда эса учинчи рақамда сараланган Жағатай Сами Сокени (Туркия) биринчи сетда 6:1 ҳисобида енгди. Жағатай ўйиннинг иккинчи сетини давом эттиришни истамай, мағлубиятини тан олди.

Хал қилувчи баҳсда Жўрабек Каримов яна бир умидли ёш теннисчимиз Хумоюн Султоновга қарши қорға чикди. Икки ўзбек теннисчиси ўртасида кечган ўйинда Жўрабек 6:3, 7:6 ҳисобида ғалаба қозонди, турнир боз совринини кўлга киритди.

(ЎзА)

ИЛҒОР МЕРГАНЛАР ТАНЛОВИ

Тошкент ҳарбий округи дала-ўқув майдонларидан бирида округ миқёсида «Энг илғор мерган (мерганлар жуфтлиги)» танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда биринчи босқичда юқори натижага эришган мерганлар муваффақиятли иштирок этиб, билим ва маҳоратларини намойиш қилишди.

Бунга қадар Тошкент ҳарбий округи ҳарбий қисм ва бўлинмаларида мерган вазифасида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар иштирокида дала-ўқув йиғини ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда мерганлар умумқўшин жанг асослари, мерганлик қўроли ва унинг ўқ-дорилари, қузув асбоблари, қўролни жангга тайёрлаш ва нишонларга ўқ отиш қоидалари, қўлай позиция эгаллаш, жой шариоитига мослаб ниқобланиш, ҳарита билан ишлаш, тез, қаққон ва яширин ҳаракатланиш, қузув олиб бориш, нишонларга ўқ отиш ҳамда жангда ҳаракатланиш усул ва услублари бўйича билим ва қўникмаларини оширишди. Мазкур йиғиннинг уюштирилиши «Энг илғор мерган (мерганлар жуфтлиги)» танловининг биринчи ва иккинчи босқичларининг юксак савияда ўтишини таъминлади.

Тажриба алмашиш имконияти яратилди

— «Энг илғор мерган (мерганлар жуфтлиги)» танловини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, — дейди Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари подполковник Хайдар Абдиев, — мерган вазифасида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳоратлари ва ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, соҳа бўйича эгаллаган билимларини синовдан ўтказиш, уларни жисмонан чинқотириш ва маънавий-маърифий билимларини кучайтириш, улар ўртасида Ватанга, танлаган касбига муҳаббатни, замонавий ҳарбий аъёнларнинг, ўзаро соғлом муносабатларни шакллантириш ва мустақамлаш, мерганлик санъатини янада ривожлантириш, мусобақадорлик муҳитини яратиш ҳамда ёшларда интеллектуал салоҳият ва етакчилик фазилатларини ривожлантиришдан иборатдир. Танловнинг биринчи кўни мерганлар саф кўригидан ўтказилиб, зарур кўрсатмаларни олишди. Шунингдек, уларга «Мерганлик милтиги-

дан отиш тартиби» ва мерганларни тайёрлаш дастури, жисмоний тайёргарлиқнинг мерган учун ўзига хос хусусиятлари, мерганнинг жанговар тайёргарлиги каби мавзуларда маърузалар қилинди ҳамда танловнинг мақсади, вазифаси ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

— Мазкур танлов биз, мерганлар учун катта сабоқ вазифасини ўтапти, — дейди шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Синдор Набиев. — Айниқса, касбий маҳоратимиз, интеллектуал салоҳиятимиз ошишида ушбу танлов муҳим аҳамият касб этапти. Танлов қўли баҳслар остида ўтди. Энг асосийси, биз бир-биримиз билан тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдик.

Катта таассурот қолдирди

Танлов шартлари бўйича мерган вазифасида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар барча ўқув нуқталарида амалий машғулотларга киришишди. Уларнинг ҳар бир шарт бўйича бажарган ҳаракатлари танлов ҳайъати комиссияси аъзолари томонидан баҳолаб борилди. Танлов иштирокчилари мерганлик милтигини отишга тайёрлаш, кундузги ва тунги қузув асбобларини тўғрилаш тартиби, мерганлик милтигидан ўт очиш ва мудофаа, нишонга ўқ отиш пайтида эътибор қилиш лозим бўлган жиҳатлар, қўлай позицияни эгаллаш ва жой шариоитига мослаб ниқобланиш, турли ҳолатларда нишонларга ўқ отиш, мерганнинг жойини муҳандислик ниқоблаш, қузув олиб бориш, нишонгача бўлган масофани ҳамда турган жойини ҳаритада ва харитасиз аниқлаш, алоқа тайёргарлиги, яширин ва шовқинсиз ҳаракат қилиш техникалари бўйича баҳсланишди.

Барча шартлар бўйича мерганлар бир-бирларидан қўлимасликларини, мутахассисликлари бўйича улкан тажриба ва маҳоратга эга эканликларини шартлар давомида

намоийш қилишди. Айниқса, жой шариоитидан келиб чиқиб ниқобланиш борасидаги савий-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир. Бу шартда кичик сержантлар Тўхтасин Мадраҳимов, Адилбек Рискўлов ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Аҳмад Қўлиловлар тайёрлаган ниқобланиш қийинчилиги ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди. Қўлай позиция танлаб, уни ниқоблаш шартда ҳам мерганлар катта тажрибага эга эканликларини амалда исботлашди.

Мўлжал аниқ — нишон бехато

Тошкент ҳарбий округи миқёсида ўтказилган «Энг илғор мерган (мерганлар жуфтлиги)» танловининг иккинчи босқичи якунига қўра, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Хўсан Ғаниев (ёрдамчиси шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Шерали Назаров) фахрли биринчи ўринни кўлга киритди. Иккинчи ўринга кичик сержант Тўхтасин Мадраҳимов (ёрдамчиси кичик сержант Адилбек Рискўлов) лойик топилди. Учинчи ўринга шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Аҳмад Қўлилов (ёрдамчиси кичик сержант Довуд Бердалиев) сазовор бўлди.

— Мазкур танловда фахрли биринчи ўринни кўлга киритишда мутахассислигим бўйича эгаллаган билим ва қўникмаларим катта ёрдам берди, — дейди шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Хўсан Ғаниев. — Шунингдек, танловдан олдин округ миқёсида мерганлар иштирокида ўтказилган дала-ўқув машғулотлари муҳим аҳамият касб этди. Олдимизда танловнинг ҳал қилувчи босқичи турбиди. Ишончим комилки, бу босқичда беллашувлар мурасасиз ва қўли рақобат остида ўтади. Шу боис билим ва қўникмаларимизни янада ошириб, танловнинг учинчи босқичига пухта тайёргарлик кўрамиз.

Ҳа, Ватанин хумоя қилиш, тинчлигимиз ва сарудларимиз дахлсизлигини сақлаш посбондан матонат ва фидойилик, мардлик ва садоқат, қўли ирода ва шижоат талаб этади. Бугун миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ўғлонлар қалбиди эса бу туйғулар мужассам. Мазкур танлов ҳам ана шундай мард, профессионал мерганларни кашф қилишда, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларнинг касбий билим ва мерганлик ботидаги тажрибаларини янада бойитяпти.

Ахром ОЧИЛОВ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Бу юртим Г-756

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6568 нусхада босилди.
Қозғос бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.00